

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

- 2004 йил, 27 май, пайшанба № 63 (1951).
- Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
- Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

- Четверг, 27 мая, 2004 г. № 63 (1951).
- Газета издается с 24 июня 1992 г.
- В розницу — цена свободная.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 2004 йил 28 май куни Қозғистон Республикасининг пойтахти Остона шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**С. БЕГАЛИЕВНИ АНДИЖОН
ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ
ЭТИБ ТАЙИНЛАШ
ТУҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Сайдулло БЕГАЛИЕВ Андижон вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2004 йил 25 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**Қ. Ғ. ОБИДОВНИ АНДИЖОН
ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ
ВАЗИФАСИДАН ОЗОД
ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА**

Қобилжон Ғофурович ОБИДОВ бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Андижон вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2004 йил 25 май.

Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш — ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Мухтарам депутатлар! Авваломбор, бугун сиз, мухтарам Андижон элининг вакиллари билан дийдор кўришиб хурсанд бўлганимни ва шу имкониятдан фойдаланиб, бутун вилоят аҳлига ўзимнинг ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан мамнунман.

Ҳар доим мана шундай учрашувларда мен одамлардан ҳол-аҳвол сўраш, уларнинг ишлари, кайфиятларидан хабардор бўлиш билан бирга, уларнинг ҳаёт кечириши, ҳаёт ташвиш, ва ўзгаришларига муносабатини билишни истайман.

Ҳозирги кунда юртимизда, жумладан, Андижон заминидан бўлаётган жараёнларга сизлар қандай баҳо бериасизлар — нимадан рози, нимадан норозисизлар, нималар сизларни безовта қилипти, деган масалалар мени биринчи навбатда қизиқтиради, эътиборимни ўзига тортади.

Бунинг сабабини тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман. Халқимиз бугун белини қаттиқ боғлаб, олдида турган эзгу ният ва марраларга эришиш мақсадида астойдил меҳнат қилаётган бир пайтда нималар, қандай муаммолар йўлимизда тўсиқ бўлиб турганини, барчамизни ташвишга солаётганини ўзимиз-

га аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Аввало, бу муаммоларни, ҳаётимизда содир бўлаётган воқеаларни ўртага қўйиб, уларни атрафда таҳлил қилиб, ҳолисона баҳосини бермасак, зарур ечимни топмасак — ҳаммамизга аён бўлиши керак — бундай ҳолат чуқур илдириб, яхшиликка олиб келмайди.

Худди мана шундай кўз билан қараб, кейинги йилларда Андижон вилоят аҳлининг машаққатли, мардона меҳнати эвазига қўлга киритилган марралар ҳақида, шу билан бир қаторда ҳали ечилмаган, биринчи галда, шу ерда истиқомат қилаётган одамларни ташвишга солаётган муаммолар тўғрисида, учраётган хато ва нуқсонлар, аввало, раҳбарлик лавозимида, мансабда ўтирганларнинг масъулияти ҳақида тўхталиб ўтишга рухсат этгайсиз.

Бугун ҳеч кимга сир эмас, вилоятнинг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги салмоқли ўрни ва аҳамияти, Андижон халқининг ибратли ва фидокорона меҳнати ҳақида кўп гапириш мумкин. Айниқса, вилоят меҳнаткашларининг истиқлол йилларида қўлга киритган катта ютуқларини бугун яна бир бор эслаш,

эътироф этиш ўринли бўлади.

Андижон халқининг мамлакатимиз галла мустақиллигини таъминлаш, пахтачиликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини, саноат ва қурилиш, ободончилик, ижтимоий соҳа бўйича амалга ошираётган ижобий ишларини ҳаёлимиздан ўтказадиган бўлсак, Андижонни Андижон қилган, унинг шухратини дунёга тараннум этаётган минг-минглаб заҳматкаш, мард ва фидойи инсонлар кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Қисқа давр ичида, яъни кейинги тўрт-беш йил мобайнида вилоятда галла ҳосилдорлиги бир неча баробар ошгани — бу албатта андижонлик деҳқонларнинг нафақат меҳнат жасорати, аини пайтда ватанпарварлик намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигида янги, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, шу ҳисобидан пахта ҳосилини барвақт йиғиштириб олиш ва юқори навларга топшириш, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, умуман, Андижон деҳқончилик мактабига хос илғор ва самарали тажрибалар бугунги кунда бутун мамлакатимизда оммалашиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

25 май куни халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятининг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги салмоқли ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирди. Вилоятнинг юртимиз галла мустақиллигини таъминлаш, пахтачиликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, саноат ва қурилиш, ободончилик, ижтимоий соҳа бўйича амалга оширилаётган ижобий ишлари Андижон аҳли меҳнатининг самараси эканини қайд этди.

Вилоятда галла ҳосилдорлиги бир неча баробар ошди. Янги, замонавий технологияларни кенг жорий этиш ҳисобига пахта ҳосилини барвақт йиғиштириб олиш ва юқори навларга топшириш имкони пайдо бўлди.

Бугунги кунда вилоятда юзга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатаяпти. Вилоят кичик ва хусусий бизнес субъектлари ўз маҳсулотларини жаҳоннинг кўплаб мамлакатига экспорт қилаётир.

Шу билан бирга, вилоятда ҳали ечилмаган, биринчи галда, одамларни ташвишга солаётган муаммолар анчагина. Бу, аввало, раҳбарлик

лавозимида ўтирганлар ўз масъулиятини қай даражада ҳис этиб сезиб ишлаётганига тегишли. Президентимиз ана шулар ҳақида батафсил тўхталди. Мавжуд ноҳуш ҳолатлар вилоят раҳбарияти фаолиятига ҳолис баҳо бериб, зарур чораларни кўришни талаб этганини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Қобилжон Обидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги лавозимида ишлаб келаятган Сайдулло Бегалиев вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Асака тумани ҳокими Тилаволди Ёқубов, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Муаззам Шамсибоева, Андижон қишлоқ хўжалиги институтини ҳузуридаги Куйганёр академик лицейи ўқитувчиси Оминахон Омонова, Андижон туманидаги «Усмон ҳожи» фермер хўжалиги раҳбари Абдурахмон Болтабоев ва бошқалар Юртбошимиз путқида қўйилган вазифалар барчани янада ташаббускорлик ва масъулият билан ишлашга ундашни таъкидладилар.

(УЗА).

● МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА

ВАЗИР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Қодир Ғуломов ҳарбий округ ва гарнизонлардан келган бир гуруҳ шартнома бўйича хизмат сержантлари билан учрашди.

Узаро мулоқот чоғида Қодир Ғуломов ҳарбий ишохотлар жараёнида шартнома бўйича хизматчиларга эътибор, талаб янада кучайганига, сержантлар мақоми тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган махсус қарор аҳамиятига, алоҳида тўхталиб ўтди. Йиғилганларнинг хизмат ва яшаш шартонлари, муаммолари билан яқиндан қизиқди.

Аъло хизматлари учун

Мудофаа вазирлиги Буйруғига кўра Ҳарбийлар дам олиш марказида оилалари билан бепул ҳордиқ чиқараётган кичик командирлар юксак эътибор учун ўз мишнатдорчиликларини изҳор этдилар.

Учрашув сўнггида илғор посбонлар Мудофаа вазирлиги билан эсдалик учун суратга тушдилар. Тадбирда Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор Исмоил Ёргашев, вазирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннобжон Ахмедов ҳам иштирок этишди.

Майор Азимбек УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Ака-ука курсантлар

Қуролли Кучларимиз сафларига офицер кадрларни тайёрлаб беришчи ҳар қандай билим масканида бўлгани сингари Тошкент олий умумқўшун қўмондонлик билим юртида ҳам аълочи, намунали курсантлар, яъни имтиёзли дипломга даъвогарлар талайгина. Улар ўз билимлари, тажрибалари ва кўникмаларига таянган ҳолда айни кунларда давом этаётган давлат имтиҳонларида ҳам «аъло» баҳоларни қўлга киритишмоқда. Лавҳамиз қаҳрамо-

ни, битирувчи курс курсанти Азиз Раҳматов ҳам худди шундай йиғилар сирасидан.

Ўқитувчилар, яъни Аҳмад ака ва Хурсанд опалар оиласида дунёга келган илк фарзанд Азиз Раҳматов ёшлигидан офицер бўлишни орзу қилган. Табиийки, мактабни битирган ўсириш олий ҳарбий билим юртига хужжатларини топширган. Афсуски, ўша йили курсант бўлиш бахти унга на-

(Давоми 3-бетда).

ЭЛ-ЮРТГА ҲАЛОЛ, ВИЖДОНАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳаммамизга маълумки, ўтган йил деҳқончилик учун ишхоятда оғир келди. Лекин шундай мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, вилоят пахтакорлари бор имкониятларини ишга солиб, астойдил меҳнат қилганига барчамиз гувоҳимиз.

Ўтган давр мобайнида Андижон вилояти мамлакатимизнинг ўзига хос ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга бўлган йirik саноат минтақасига айланганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бугунги кунда бу ерда нуфузли чет эл фирм ва компаниялари иштирокида ташкил этилган 100 га яқин замонавий қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Айниқса, маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган кўйлаб кичик ва хусусий бизнес субъектлари ўз маҳсулотини жаҳоннинг 38 мамлакатига экспорт қилаётгани вилоятнинг саноат соҳасидаги салоҳияти қанчалик юксалганидан далолат беради.

Нафақат вилоят маркази, балки олис туман ва қишлоқларнинг ҳам қиёфаси ўзгариб бораётгани вилоятда ободончилик соҳасида ҳам катта ишлар қилинаётганини кўрсатади. Шулар қаторида ҳозирга қадар 60 та касбхона коллежи ва академик лицей, кўйлаб замонавий спорт иншоотлари қурилиб ишга туширилганини бу борадаги салмоқли қадам, деб баҳолаш лозим.

Равон йўллар, шинам турар жойлар, бог-роғлар, майдон ва хивобонлар бугун ҳар қандай одамнинг ҳам ётиб-борини ўзига тартади.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида Андижон мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, миллий тараққиётида ўзига хос ва ўзига мос ўрин тутадиган вилоятга айланди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Мана шу давр мобайнида Андижон аҳли қандай муваффақият ва ютуқларга эришган бўлса, уларни шу элга мансуб бўлган мардлик, изланиш ва тadbиркорлик фазилатлари билан қўлга киритганини, бу юксак марралар фидокорона меҳнатнинг ҳақиқий белгиси ва самараси эканини ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди.

Андижон вилоятининг ўтган йили Ватанимизнинг юксак мукофоти — Амир Темур ордени билан тақдирлангани ҳам шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди.

Азиз дўстлар, агар эътибор берган бўлсангиз, сизлар билан ўтган йиллар давомида неча марта учрашган бўлсак, мен Андижон элининг бундай олижаноб хусусиятларини доимо завқ билан тилга олганман, бу ҳақда такрор-такрор гапирганман.

Ҳақиқатан ҳам, Андижон аҳлининг азму ишхоятдан ҳайратда қолганини, шу юртнинг гуллаб-яшнаши учун, унинг чиройига чирой қўйиш учун сизларнинг қилган мардона меҳнатингизга тасаннолар айтиб билдирган фикрларини мен бугун ҳам такрорлашга тайёрман. Нега деганда, чин юракимдан чиққан бу сўзлар менинг Андижон халқига бўлган самимий эътироф ва ҳурмат-эҳтиромим ифодасидир.

Бугун мамнуният билан айтиш кераки, Андижоннинг қадимий ва ҳақиқатан навқирон заминидан шу элнинг муносиб фарзандлари, янги авлод вояга етмоқда.

Биз бошладган эзгу ишларнинг давомчилари бўлиш бу ёшларимизнинг етук ва баркамол инсонлар бўлиб улғайгани, уларнинг бахту иқболи кўпчилиги ота-оналар,

жамоатчилик қатори менга ҳам қувонч ва фахру ифтихор бағишлайди. Лекин, очиқ айтишим керак — бугун сизлар билан фақат шулар ҳақида гапириш, фақат ютуқларни санаб ёки уларни таърифлаш учун йиғилганимиз йўқ.

Ўйлайманки, ҳаммамиз тўғри тушунасиз, бугун Андижонга келиб, сизлар билан учрашиб турганимизнинг бошқа сабаблари ҳам бор. Агарки биз Ўзбекистонимизни бамисоли денгизда сузиб бораётган улкан бир кема деб тасаввур қиладиган бўлсак, унинг ўз йўлидан огинмай олға бориши учун аниқ мақсад ва режаларга эга бўлиши зарурлигини барчамиз яхши англаймиз, албатта.

Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсад ва режаларимиз эса барчага аён — халқимиз ҳаётини тараққий топган давлатларнинг даражасига кўтариш, эркин ва озоод жамият қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаш.

Бугун биз ана шундай олий мақсадлар сари интилар эканмиз, бу борада қанча-қанча қийинчиликлар, турли муаммо ва сивовларга дучор бўлишимиз ҳам табиий, албатта.

Мана шундай шароитда ҳар қайси катта-кичик ҳудуд ёки минтақанинг ҳаётида — у вилоят ёки шаҳар бўладими, туман ёки хўжалик бўладими — бундан қатъи назар раҳбарнинг ўрни, раҳбар шахсининг таъсири қанчалик муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида ортинча тўхталиб ўтиришга зарурат бўлмаса керак.

Мен фақат шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, раҳбарлик лавозимига кўтарилган кишиларнинг энг асосий, энг муқаддас вазифаси — уларни тарбия қилган, билим берган, ишонч билдириб, юксак мартабага муносиб кўрган эл-юртга виждонан, ҳалол хизмат қилиш ва доимо зиммасига олган юксак масъулиятни сезиб, ҳис этиб яшашдир. Раҳбарнинг ишига баҳони шу халқ, шу юрт беради. Тарих тажрибаси ва синовидан ўтган мана шу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бугунги сессия мажлиси кун тартибига қўйилган масалани кўрар эканмиз, барчамиз унга айнан мана шу нуқтаи назардан қараб, муҳокама қилишимиз ва тегишли хулосалар чиқаришимиз зарур, деб ўйлайман. Албатта, ҳар қайси вилоят, туман ёки хўжалик фаолиятида, такрор айтаман, ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам бўлиши муқаррар.

Шу маънода, катта суръатлар билан ривожланиб бораётган мамлакатимиз иқтисодиётида — бу саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, мавжуд ер ости ва ер усти бойликларимизни халқимиз манфаати йўлида ишлатиш бўладими, хизмат кўрсатиш ёки илм-фан, маданият, таълим-тарбия соҳалари бўладими — уларнинг барчасида ютуқлар билан бир қаторда, ишни бугунги замон талаблари асосида тўғри ва самарали ташкил этишда ҳали-бери камчилик ва нуқсонлар, оқсоқлик борлигини ва улар йўлимизда тўсиқ бўлиб турганини инкор этиб бўлмайди. Бу ҳам ҳаётимизнинг аччиқ бир ҳақиқати, десак, янглишмаган бўламиз.

Биз айрим вилоятлар, шаҳар ва туманлар, керак бўлса, бугун республикамиз миёсига ижтимоий-иқтисодий, демократик ислохотларни амалга ошириш жараёнини таҳлил қилар эканмиз, бундай ҳолатларни ҳеч қачон яширганимиз йўқ ва бу ҳақда доимо очиқ-ойдин гапирамиз.

Буни ҳориждаги бизни

хушламайдиган, бизни кўродаймидиган муҳолифларимиз ҳам тан олишга мажбур бўлмоқда.

Яъни, Ўзбекистон давлати ва жамоатчилиги ўз тараққиёт йўлида учраётган ҳаёт-камчиликларга ўзи ҳолис ва танқидий баҳо бера олади ва шу боис четдан кимдир келиб бунни кўрсатишга ҳожат қолмайди. Чунки биз ўз ютуқларимиз ва имкониятларимизни ҳам, камчиликларимизни ҳам кўпроқ ўзимиз сезамиз, ўзимиз кўрамиз.

Илгари ҳам кўп бор айтган, ҳаётнинг ўзи тасдиқлаган ҳақиқатни яна такрорлайман. Биз ўзимиз, ўз қўлимиз, ўз меҳнатимиз билан қилишимиз керак бўлган ишларни ҳеч ким четдан келиб, бизнинг ўрнимизга бажариб бермайди. Ва табиийки, биз ўз мақсад-муддolariмизга етмоқчи эканмиз, бу нуқсонларни аввало ўзимиз аниқлаб, уларни бартараф этишимиз керак. Бундай ҳолатларни бекитиш, сир тутишга уриниш кимдир эмас, аввало, ўзимизни алдаш демандир.

Охир-оқибатда бугун яширган, сир тутган муаммолар эртага қутулмаганда бошқа бир жойдан албатта ёриб чиқади ва ҳал этиш қийин бўлган масалага айланади.

Бизнинг амалга ошираётган ҳар бир ишимизга, умуман фаолиятимизга баҳо беришда айнан мана шундай қараш, мана шундай ҳолисона ёндашув ҳукмронлик қилиши керак. Бошқача айтганда, иш фаолиятимизни таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқаришда юзаки ва бирёқлама қарашлардан воз кечиш лозим.

Бу галлачилик ёки пахтачилик бўладими, қурилиш ёки ободончилик бўладими — қайси соҳа ёки тармоқ бўлмасин, фақат кўзга ташланиб турган натижалар ҳақида гапирмасдан, масалага кенгроқ қараб, ҳаётнинг бундан ҳам муҳимроқ томонларига, яъни барча қилган ишларимиз пировардида юртдошларимиз, халқимизнинг кайфиятига, уларнинг ҳаётига қандай таъсир ўтказётгани ҳақида ўйлашимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки — вилоятнинг ишлаб чиқариш режаларини бажариши албатта муҳим, лекин одамларнинг кайфияти ва қарашларига авваламбор уларнинг оладиган маоши ва даромади, оила ҳаётини тебратили, ижтимоий ҳимоя, маънавий муҳит билан алоқадор бўлган барча-барча масалалар кучли таъсир ўтказишини унутмаслигимиз керак.

Бу аввало одамларнинг ўз фаолиятини эркин юритиши учун шароит яратиш бўладими, савдо-сотиқ ёки аҳолига кундалик зарур эҳтиёж молларини етказиб бериш бўладими, транспорт, коммунал ва маиший хизмат бўладими, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш бўладими, шулар қаторида қабул қилинган қонунларга итоат қилиш, тартиб-интизомни сақлаш бўладими, шу соҳаларга жавоб берадиган ташкилот ва раҳбарларнинг ўз вазифасини тўғри адо этиши бўладими — бир сўз билан айтганда, давлат ва жамият, инсон ҳаётига дахлдор бундай масалалар одамларнинг кайфиятини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Мен ҳозир ўз сўзимда, одамларнинг ўз фаолиятини эркин юритиши, деган иборага ишлатдим. Бу нима дегани? Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун — кеча-

ги замон эмас. Инсон аввало Конституция, қонунлар ва ҳуқуқий мезонлар асосида яшashi керак. Бугун давлат манфаати эмас, инсон манфаати биринчи ўринда туриши даркор. Фаровон ва бахтли ҳаёт учун қандай эркинликлар зарур бўлса, ҳаммасини туғдириб беришимиз лозим.

Бу борада юртдошларимизнинг энг кўп норозилигини уйғотадиган нарсас — адолатнинг бузилишидир.

Азиз дўстлар, бугун мен Андижон вилоятидаги ноҳус ҳолатлар ҳақида изтироб билан гапиряпман. Чунки сизлар ўзингизнинг ибратли ишларингиз билан Андижон ҳақида доимо яхши гапларни айтишга кўпчилиги қатори мени ҳам ўргатиб қўйгансиз.

Кўп бор айтган гапни яна такрорлашга тўғри келади — одамлар ҳамма нарсасида чидаши мумкин. Аммо адолатсизликка чидай олмайди. Халқимиз андишали, сабр-бардошли халқ. Аммо, билиб қўйинглар, сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор. Барча ҳокимлар, катта-кичик раҳбарлар шуни қўлоғига қўйиб олсин.

Ўзингиз ўйланг, кимдир кунни кун, тунни тун демай меҳнат қилса-ю, лекин кимдир амалидан фойдаланиб, ўз манфаатини кўзлаб, турли ҳийла-найранглар билан бошқаларнинг ҳақида хил-нат қилса ва шунинг ҳисобидан, қўпол бўлса ҳам айтиш керак, қутуриб кетса — бу албатта жамоатчилик, эл-юртнинг эътирози ва норозилигига сабаб бўлади.

Мана шундай ҳуқуқ, бе-маза ишларга йўл қўймаслик учун ҳар қайси вилоят, шаҳар ва туманда ҳокимият тизими, шу масалаларга бевосита мутасадди бўлган ҳуқуқ-тартибот ва суд идоралари мавжуд.

Мисол учун, вилоятда ҳоким бор, лекин бу жойда қонунни ҳимоя қиладиган ташкилотлар ҳам борки, улар ўз фаолиятида мустақил бўлиши зарур. Улар учун қонун олдида барча — оддий фуқаро ҳам, мансабдор шахс ҳам баробар бўлиши ва уларга бир хил талаб билан ёндашиш керак.

Биз демократия ҳақида кўп гапирамиз. Лекин, демократия сўзининг асосий маъно-мазмунини — бу адолат демандир.

Масалан, яқинда вилоят суди раиси лавозимига янги номзод тайинлашда вилоят ҳокими бу вазифага ўз одами кўйиш учун оёқ тираб олганини қандай тушуниш мумкин? Агар биз ҳокимият тармоқларининг бўлиниш тармоқларига амал қилмасак, ҳар қайси ижроия ҳокимият раҳбари ҳокимиятнинг бошқа тармоғи ишга бундай ўзбошимчилик билан аралашинишга уринадиган бўлса, у ҳолда, ҳаётда адолат у ёқда турсин, оддий тартиб-интизомни ўрнатиб бўладими? Мана шундай вазиятда одамлар, фуқаролар дардини кимга бориб айтади? Шунинг учун барчамиз яхши англаб олишимиз кераки, ҳоким — ҳокимлигини қилсин, суд — судлигини. Шундагина ҳаётда тартиб бўлади, адолат бўлади.

Гап бугун фақат битта одамни ишдан олиб, бошқасини қўйиш ҳақида бораётгани йўқ. Биз аввало шу ҳолатларга олиб келган сабабларни чуқур таҳлил қилишимиз ва уларни бартараф этишимиз керак.

Давлат раҳбари сифатида менинг орзум, мақсадим шуки, жамият ҳаётида айрим шахсларга эмас, балки аниқ қонун ва ҳуқуқ нормаларига асосланган тизим — система барқарор ишлаши керак.

Мисол учун, мана Швейцарияни олайлик. Бу мамлакатда оддий фуқароларнинг кўпчилиги мамлакат Президенти кимлигини ҳам билмайди. Нега деганда, бу ерда ана шу юфорида тилга олинган тизим ишлайди. Ёки Италияни оладиган бўлсак, бу ерда ҳам ҳукумат тез-тез алмашиб туради. Аммо ҳаёт ўз йўлида кетаверади — саноат, қишлоқ хўжалиги, банк-молия муносабатлари, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, савдо-сотиқ масаласи, бир сўз билан айтганда, давлат тизими ишлайверади.

Биз Ўзбекистонда ҳам шундай шарт-шароитни вужудга келтиришимиз кераки, раҳбар қанча буюк бўлмасин, қанча доно бўлмасин, мамлакат ҳаёти бунга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ўз маромида давом этиши лозим.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади — ҳамма жойда ҳам аввало раҳбарлар ва масъул ходимларнинг фаолияти, юриш-туришига қараб, уларнинг оилавий ҳаёти ва маънавий қиёфасига қараб, фуқароларнинг, умуман жамиятнинг ҳокимиятга бўлган ишончи ёки ортади, ёки бутунлай йўқолади.

Лавозим курсида ўтирган, ҳокимият номидан иш юритадиган баъзи шахслар ўзининг номзодлиги ишларини яширишга қанчалик уринмасин, одамлар шу жойда адолат тамойиллари бузилишига қараб, бундай раҳбарларнинг издан чиқиб кетганини барибир сезади, билади.

Бу ҳақда гапирар эканман, ўйлайманки, мен сизлар учун ҳеч қандай янгилик очаётганим йўқ. Андижон вилоятида бугунги кунда мавжуд бўлган мана шундай ва шунга ўхшаган ноҳус ҳолатлар ҳақида шу залда ўтирганлар мендан кўра кўпроқ билади.

Лекин бутун халқимиз қатори Андижон аҳлининг ҳам бошқаларда учрамайдиган бир хусусияти борки, у ҳам бўлса, андиша туйғусидир. Бундай хусусиятини ифода-лайдиган бошқа сўзлар ҳам бор ва улар сизларга жуда яхши таниш. Бунинг отини бетга чопмаслик, истиҳола, дейди, ўзбекчилик, мусулмончилик, дейди.

Шуни ҳам айтишимиз кераки, халқимизда азалдан ўзидан ёши ёки ҳаётий тажрибаси каттароқ бўлган одамни ҳурмат қилиш одати ҳам борки, буниман инобат олмасдан бўлмайди.

Энди, бундай хусусият ва аломатлар кимгадир ёқадими, ёқмайдими — улар ҳаётимизда бор. Ва биз табиятан шундай халқимиз. Лекин бундай хусусиятлар гоҳ-гоҳ ишимизга халақит беришини ҳам англашимиз керак, деб ўйлайман.

Ҳурматли юртдошларим! Бугун кун тартибига қўйилган масала, яъни ташкилий масала устида ўйлар эканмиз, бунга олиб келган сабабларни кўз ўнгимиздан ўтказиш, оптимизмга бир назар ташлаб, шулар орасидан энг асосийларини ажратиш ва уларнинг моҳиятига етиб бориш барчамизнинг инсоний бурчимиз, деб ҳисоблайман.


Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Андижон вилояти мустақиллик йилларида барча соҳаларда катта қадамлар қўйди. Ўзбекистондаги худдаи ўзгаришларда, янги ҳаёт, янги жамият қуриш борасида эришилган марраларда Андижон аҳлининг муносиб ҳиссаси бор, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз. Ёнг муҳими, бугун Андижон дёрида ҳаётга, меҳнатга янгича ёндашув қарор топмоқда.

(Давоми 7-бетда).

Понедельник

Четверг 6 Пятница

24 00 «Кунсткамера»



24.00 «Кусткамера».
00.30 «Слабозубый».
2.30 «Дикий молодой».
3.00 «Кусткамера».

 5.25 Фильм
«Юность поэта».
6.45 Мультифильм
«Ну, погоди!»
7.00. 11.00,
15.00 Сегодня.
7.20 Никас Сафронов, «Растительная жизнь».
7.50 Потерял «Шар удачи»
8.00 «Един дом».
8.35 Комедия «Как здорово было на Запале».
10.25 «Военное дело».
11.15 «Апельсиновый сок».
11.45 «Внимание: Розыск!»
Мопешники плада и книж-
ла.
12.20 Детектив «Из жизни
начальника уголовного ро-
зыска».
14.10 «Их правы».
15.20 «XX век». Русские
тайны. Личный враг Ста-
лина.
15.55 Сервал «Идеальная
планета: Такую берет добро».
17.00 Спорт игра.
17.55 Комедия «Очарован-
ные луной».
20.00 «Намедни».
21.30 «Фактор страха II.
Секретные материалы».
22.30 Детектив «Нож в во-
де».

 8.30 «Дикая
планета»: «Ост-
ропов
фильм.
9.25 Док.
«Коты-самураи».
9.50 «Вуншпини».
10.15 «Битлборн».
10.40 «Симпсоны».
11.40 «Факультет юмора».
Комперт.
12.40 «Афромосквич».
13.50 Военная тайна.
14.30 «24». Информацион-
ная программа.
14.50 Военно-приключен-
ческая драма «Охота на
единорога».
16.40 Мультифильм.
17.10 Лучшие шоу мира.
18.10 Боевик «В ад».
21.00 Фантастический трипл-
ер «Невидимки».
23.20 «Естественный от-
бор».
00.20 «Похищение ино-
планетянца». Док. фильм.
1.25 Драм. «Эксперимент».
2.00 «Дикая планета»: «Ост-
ропов фильмы». Док. фь-
льм.
4.25 Ночной музыкальный
канал.

НОВОСТИ

КАНАЛЫ ТЕЛЕВИДЕНИЯ

Вещание по кабельным каналам осуществляется круглосуточно. В таблице указаны каналы вещания и их названия. Для получения информации о тарифах и условиях подключения к кабельному телевидению обратитесь к оператору связи.

КАНАЛЫ ТЕЛЕВИДЕНИЯ

Вещание по кабельным каналам осуществляется круглосуточно. В таблице указаны каналы вещания и их названия. Для получения информации о тарифах и условиях подключения к кабельному телевидению обратитесь к оператору связи.

В сетке вещания российских ТВ-каналов возможны временные изменения. По вопросам несоответствия указанного в программах времени следует обращаться в соответствующие службы кабельного и спутникового телевидения.

[illegible]

ЭЛ-ЮРТГА ҲАЛОЛ, ВИЖДОНАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ҲАР БИР РАҲБАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

(Давоми. Боши 1—2-бетларда).

Одамларнинг онгу тафаккурида шу тупроқ, шу муқаддас замин ўзимники, мен учун Андижондан, Ўзбекистондан бошқа Ватан йўқ, она юртимнинг бугунги ва эртанги кунин аввало менга боғлиқ, деган ҳис-туйғулар тобора кучайиб бормоқда.

Мана шундай гурур, мана шундай келажакка ишонч мактабларда, лицей ва коллежларда, ўқув юртларида таълим олаётган минг-минглаб ёшларимизнинг кўзларида тақнаб турганини кўриб, ҳар қандай киши тўққинчилиш кетади.

Яна бир ижобий ҳол — Андижон элида эғалик, мулдорлик ҳисси, меннинг кичкина бўлса-да, ўз очган ишим бор, ортирган мулким, бойлигим бор ва у албатта ўзимники, ундан нафақат оилам, фарзандларим, балки бутун элу юрт наф куради, деган қараш мустақамланиб бормоқда.

Меннинг давлатим, халқимнинг дунёда муносиб ўрин эгаллаши меннинг меҳнатим ва интилишларимга боғлиқ, деган фикр билан яшаётганларнинг сафни кун сайин кенгаймоқда.

Албатта, баъзилар, ишнинг натижаси, ишнинг якуни омадга ҳам боғлиқ, деб айтиши мумкин. Лекин ҳаёт шуни кўрсатадики, омад ўз-ўзидан келмайди. Омадин Оллоҳнинг назари тушган инсонга, юртга беради. Оллоҳни қалбда, юрагида олиб юрганларга, яхши ният ва яхши орзу билан астойдил интилиб меҳнат қилаётганларга беради.

Меннинг назаримда, бу ютуқларнинг асосий сирини шундаки, Андижон аҳли доимо иноқ бўлиб, бир-бирига кўмак бериб, узоқни кўзлаб яшамоқда. Вилоятдаги барча ибратли ишлар замирида мана шундай ҳамжихатлик мужассам. Ва шубҳа йўқки, истиқболни, фарзандларининг бахту саодатини ўйлаб яшаётган Андижон халқи ҳеч қачон кам бўлмайди. Юрагимдаги бир гапни очиб айтишдан бўлсам, мен сизларга ишонаман, сизларнинг яхши кўраман.

Раҳбарлар ўзгаради, янги одамлар келиб кетаверади, лекин ҳамма нарсани шу эл, шу юртга меҳр қўйган, мард ва танти, лафзи ҳалол меҳнаткаш халқнинг бунёдкорлик меҳнати ҳал қилади.

Бу гапларнинг барчаси — ҳақиқат, уларга яна бирор нарса қўшимча қилиш қийин, деб ўйлайман.

Лекин, шуни ҳам тан олишимиз керакки, биз охириги йиллар асосан ва кўпроқ Андижоннинг ютуқлари ҳақида гапирадиган бўлдик.

Вилоят ҳаётида йўл қўйилган камчиликлар, эришилмаган марралар, аҳоли турмушига бевоисита таъсир кўрсатадиган соҳалардаги хато-нуқсонлар, айрим раҳбарларнинг маътовдан боши айланиб, ўзини йўқотиб, оёғи ердан узилиши билан боғлиқ масалаларга эътибор кам бўлди. десак, аниқ ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу ўринда гап аввало Андижон вилоятининг биринчи раҳбари Қобилжон Обидов фаолияти ҳақида кетмоқда.

Албатта, барчамиз эътироф этамиз: шу заминда туғилиб, узоқ йиллар шу ерда ишлаб, Андижоннинг обод этиш, уни улуглаш учун кўп хизмат қилган бу раҳбар оғир лайтларда ҳам шу элга етакчилик қилиб, ўз қобилиятини, ўз салоҳиятини намойиш этган.

Ва шу даврда Андижон вилояти қандай натижаларга эришган бўлса, уларда бу раҳбарнинг ҳиссаси борлигини ҳеч ким инкор этол-

майди. Шунинг учун ҳам унинг меҳнат фаолияти катта мукофот ва унвонлар билан тақдирланган.

Лекин, чуқур таассуф билан таъкидлашимиз керакки, охириги йилларда Қ. Обидовнинг юриш-туриши, ўзини тутиши, одамлар билан муносабати тобора ўзгариб бораётганини кузатиш қийин эмас.

Бу раҳбарнинг бошқаларни фикрига беписандлик билан қараш, манманлик — шуни ҳам айтишимиз зарур — дохиллик касаллигига берилиб кетгани аниқса ачинарлидир.

Ишга жуда катта зарар етказётган томони шу бўлдики, бу одам атрофида юрганлардан кўпроқ мақтов эшитишга ўрганиб қолиб, ўз фаолиятига танқидий ёндашиш у ёқда турсин, оддий танқидга ҳам чидамайдиган раҳбарга айланиб қолди.

Бундай вазият, албатта, Андижон шаҳар ва туманларидаги ҳолатга, керак бўлса, вилоятдаги умумий муҳитга салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Бу одамнинг ўзини катта тутиб, вилоятнинг тандирини белгилаб берадиган кўпгина соҳа ва масалаларни ўзига номуносиб, иккинчи даражали ишлар қаторида кўриб, уларни ҳал қилиш, ечимини топиш, мажбур муаммоларнинг олдини олишнинг бошқаларга — ўз ёрдамчиларига ташлаб қўйиб, бундай тартибни иш услуби ва қондасига айлантириб олганини ўзининг масъулиятини йўқотган деб ҳисоблаш зарур.

Вазият шу даражага етиб борганки, вилоят ҳокими Тўшкентдан Андижонга иш юзасидан келган айрим вазир ва раҳбарларни қабул қилмаган ҳолатлар ҳам бўлган.

Андижоннинг ўзида ҳам вилоят миқёсидаги раҳбар ва фаолларни ойлар ва йиллар давомида қабул қилмасдан, улар қўётган масалаларга эътибор бермаган.

Бундай номақбул иш услуби, ўзининг раҳбарлик масъулиятини тўғри тушунмаслик охири-оқибатда қандай натижаларга олиб келишини аниқлаш қийин эмас.

Раҳбар унинг зиммасига топширилган ҳудуд, эл-юртда бўлаётган барча ишларга жавобгар эканини яна тушунтириб, беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Вилоят ташвишларини ўз ҳолига ташлаб, кўпгина соҳаларни эгасиз қолдириб, фақатгина дала ишлари, галлачилик ва пахтачилик ҳисобидан ўзини кўрсатишга уринадиган раҳбар хато қилади.

Андижон мисолида кўпгина соҳаларда, аввало, оддий одамларнинг эҳтиёж ва талабларини қондирадиган йўналишларда бундай ёндашув натижасини кўриш мумкин. Энг ёмони, ишга бундай муносабат жойларда тартиб-интизомнинг бузилиши ва ўзбошимчаликка олиб келиши муқаррар.

Вилоятда ердан ноқонуний фойдаланиш, уни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ўғит, ёқилги-мойлаш материаллари ва бошқа моддий бойликларни талон-тарож қилиш, солиқ тўлаш, солиқ интизомини қўпол равишда бузиш, кўпгина ҳолатларда қонун бузгунчилирини ҳимояга олиш каби хунук мисолларни олиб келиш қийин эмас. Вилоятда 2003 йилнинг ўзида дон экинларига мўлжалланган 533 гектар майдонга бошқа экинлар экилган.

Масалан, Улугнор туманидаги М. Иминов номидаги хўжалиги ҳудудига жойлашган «Шаҳриёр» фер-

мер хўжалигига шартнома асосида берилган 18 гектар ер майдонининг ярми хўжалик раиси Х. Фозилов томонидан ноқонуний ҳолда олиб қўйилган.

Бу раҳбарнинг фаолияти ўрганилганда, унинг 2002—2003 йиллар давомида ширкатнинг 330 нафар аъзосига 72 гектар майдондаги ерни 28 миллион сўм пора эвазига бериб юборгани маълум бўлди.

Биргина жорий 2004 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 21,9 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик техникаси, 12,1 тонна нефть маҳсулоти, 46,1 тонна минерал ўғит ноқонуний ўзлаштирилган.

Булоқбоши туманида яшовчи омбор мудир М. Аҳмедов 4 тонна, Олтинкўл туманида яшовчи Д. Сидиқов қарийб 5 тонна минерал ўғитни четга пуллаб юборган. Бу каби жиноий ҳаракатлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам содир этилаётгани ҳақида тегишли органларда етарли далил ва маълумотлар бор. Уларнинг ҳар бири бўйича суд ўз ҳулосасини чиқаради, албатта.

Вилоятнинг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудлари орқали турли маҳсулотларни юртимизга назоратсиз, контрабанда йўли билан олиб кириш, бу ёқдан эса металл ва нефть маҳсулотларини қонунсиз равишда олиб чиқиб кетиш ҳолатлари ҳали-бери давом этаётгани ҳақида кўп маълумотлар бор.

Масалан, Андижон туманидаги «Улуг Ёғду» кичик корхонаси ҳайдовчилари А. Умаров ва Х. Ибрагимов Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида 33 миң 736 литр неросинини ноқонуний олиб кетаётганида ушланган.

Шу ўринда савол туғилади. Бу туманларнинг, корхона ва хўжаликларнинг эгаси борми ўзи? Бор, албатта, лекин, афсуски, улар сен менга тегма, мен — сенга, деб фақат ўз манфаати, ўз тирикчилигини ўйлаш билан овора. Вилоятда хуфёна иқтисодий фаолият йўлига тўсиқ қўйили, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш бўйича етарли чора-тадбирлар қўрилмапти.

Шу йилнинг 1 май ҳолатига кўра нақд пул тушумига эга бўлган 334 та хўжалик субъектининг фаолияти ўрганилганда, уларнинг 321 тасида, яъни 96 фоизда назорат-насса машиналаридан фойдаланмаслик ва бошқа қоида бузиш ҳолатлари аниқлангани ҳам шу фикрни тасдиқлаб турибди.

Буларнинг натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида бюджетга ундирилган солиқлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан республика бўйича 23,4 фоизга ўсган бўлса, Андижон вилоятида умуман ўсиш бўлмаган.

Шундай хуфёна ишлар туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят бўйича товар айланмаси 130 миллион сўмни, ташкил этгани ҳолда, банк кассаларига атиги 18 миллион сўм ёки жами тушумнинг 14 фоизи топширилган, ҳолос.

Бу кўрсаткичлар Булоқбоши ва Асака туманларида 8 фоизни, Марҳамат ва Қўрғонтепа туманларида 5 фоизни, Пахтаобод ва Улугнор туманларида 4 фоизни, Балиқчи туманида 3 фоизни, Бўз туманида эса — ҳатто одам айтишга ҳам уялади — атиги 2 фоизни ташкил этганини қандай изоҳлаш мумкин?

Қани, айтишлар, олинган тушум кассага эмас, кассага кетаверса, банкка пул тушмаса, биз фуқароларимиз олдидаги ижтимоий мажбуриятларимизни қандай бажарамиз?

Фахрийларнинг пенсиясини, нафақалар ва стипендиялар, нам таъминланган оила-ларнинг ёрдам пулини, ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақини нима ҳисобидан тўлаймиз?

Вилоят раҳбарлари, мутасаддилар шу ҳақда ўйлайдими, йўқми? Шу йилнинг 29 апрелига қадар вилоят бўйича 3,5 миллиард сўм миқдоридagi биринчи даражали ижтимоий тўловлар, пенсия ва нафақалар берилмасдан қолгани шунинг оқибати эмасми?

Ишга бундай лоқайдлик билан, мендан кетгунча — эгасига етгунча, деб ёндашув туфайли қанчадан-қанча одамларнинг кундалик ҳаётини эҳтиёжлари, ришқ-насибаси, тирикчилиги зарар етказилмоқда ва бу уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Вилоятда сўнгги пайтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари анча кўпайган. Йўмладан, транспорт воситаларини олиб қочиш 20 фоизга, порахўрлик 54 фоизга, қотиллик 36 фоизга кўпайган. Энг ёмони, номулға тегил, талончилик каби жиноятчиликнинг оғир турлари кескин ўсган.

Воёга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳолатларининг кўпайиб бораётгани барчамизда жиддий хавотир уйғотиши зарур. Андижон, Улугнор, Бўз, Булоқбоши, Балиқчи ва Избоскан туманларида бу борадаги аҳвол аниқса ташвишлendiri.

Яна бир масала ҳақида алоҳида тўхталишга мажбурман.

Ҳаммамизнинг ҳам оиламиз, фарзандларимиз бор. Албатта, оилавий турмуш, шахсий ҳаёт — бу ҳар қайси инсоннинг аввало ўз иши. Лекин эл-юртга раҳбар бўлган, етакчи бўлган одам бошқаларга ақл ўргатиб, уларга талаб қўйар экан, биринчи галда ўз боласининг тарбияси ҳақида ўйлаши керак. Халқимизнинг «Олдин ўзинга боқ, кейин ногора қоқ» деган ҳикмати ҳам бежиз айтилмаган.

Шу маънода, вилоят ҳокими ўз ўғлининг тарбиясига, унинг босар-тусарини билмай, отасининг обрўсига доғ тушишини ўйламасдан қилган бемаза ишларига панжа орасидан қараб келгани аниқса ачинарлидир.

Ҳурматли дўстлар!

Кўриб турганингизден, бундай нохуш ҳолатларнинг барчаси вилоят раҳбарияти, аввало, биринчи ҳоким фаолиятига ҳолис баҳо бериш ва зарур чораларни кўришни талаб этади. Қ. Обидов раҳбарлик фаолиятида йўл қўйган хато-камчиликларини ўзи ҳам тан олиб, лавозимидан овоз қилишни сўраб ариза ёзган. Ана шу аризани овозга қўйиб, бу масалага ўз муносабатининг билдиришини эълон қиламан.

Энди сизлар билан вилоятнинг янги раҳбарини сайлаб олишимиз керак.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Ҳаммангиз яхши тушунасиз, мана шундай даражага кўтарилган вилоятнинг бошқариш ўта қийин вазифа. Бу ерда бошланган ишларни давом эттириш учун қандай маҳорат керак, қандай ақл-заковат, куч ва ирода керак. Лекин, ўйлайманки, андижонликлар билан ишлаш ҳам осон, ҳам оғир. Осонлиги шундаки, бу эл одамлари ўз ишини пухта билади, уларнинг меҳнатга, ҳаётга муносабати бошқача. Фақат уларга ўз имконияти ва қо-

билиятини рўйбга чиқариш учун шароит туғдириб берилса, бас.

Шу билан бирга, раҳбар ўзига хос гурурга эга бўлган вилоят аҳлининг кўнглини топмаса, амалий ишлари, шахсий ибрати, қатъият ва бағрикенглиги билан одамларнинг қалбига кириб бормаса, билиб қўйинлар, иш кетиши қийин.

Яна бир нарсга эътиборингизни қаратмоқчиман. Андижон элининг ўзига хос хусусият-алолатлари бор. Вилоятдаги ҳар бир ҳудуднинг, айтилмай, Олтинкўл ёки Қўрғонтепа, Асака ёки Избосканда яшайдиган одамларнинг ўзига яраша феъл-атвори, ўз туғилган жойи билан фахрланиш одати бор. Бунинг ёмон жойи йўқ, албатта. Лекин вилоят миқёсида туманларни бир-биридан устуи қўймаслик, қарама-қарши қўймаслик керак. Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, гуруҳбозлик каби илатлар ориятли Андижон аҳлига мутлақо ярашмайди.

Аниқса, раҳбар инсон ҳаётига путур етказадиган майда гапларга, фисқу фасодга, маишатбозликка берилмаслиги керак. Меннинг илтимосим, керак бўлса, талабим шуки, Андижон зами-нида ғийбатга — аламзадалик-ка ҳеч қандай ўрин қолдир-маслигимиз зарур.

Биз мана шу ҳолатларни инобатга олиб, вилоят фаол-лари ва оқсоқоллари билан фикрлашиб, бу лавозимга шу юрт, шу заминнинг шароитини яхши билладиган, ҳозирги пайтда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келаётган Сайдулло Беғалиев номзодини тавсия этишга қарор қилдик.

Ҳурматли дўстлар!

Янги ҳоким ҳақида гапир-ганда, ўйлайманки, бу одам ўз зиммасига қандай масъу-лиятли вазифани олаётганини яхши тушунади. Баъзан шун-дай бўладики, киши бирор вазифага тайинланаётганида ўзининг имкониятлари шу вазифани адо этиш учун етарлими, йўқми — бунга аҳамият бермайди.

Агар одам ўз имкониятла-ри даражасидан ортиқ вазифани бўйнига олса, табиий-ки, номуносивилик вужудга келади. Шунинг учун, етакчи бўламан, деган ҳар қайси инсон фақат ўзига ишонмас-дан, аввало, у билан бирга ишлайдиган раҳбар ва мута-хассисларнинг билим ва таж-рибасига, халқнинг қўллаб-қувватлашига суяниб фаоли-ят олиб бораётгани, ижобий натижаларга бришиши мум-кин.

Энг муҳими, раҳбар, мен ўзимга юклатилган вазифани адо этиш учун ҳали жуда кўп меҳнат қилишим, изла-нишим керак, деган фикр-туйғу билан, эзгу интилиш ва пок ният билан яшаши лозим. Акс ҳолда, у оёғи заминдан узилиб, атрофидаги лаббайчи-хушомадгўйларнинг сохта мақтовларига ўрганиб қолиб, хотиржамлик, беғам-линка берилса, шу кунни ўз лавозимига фотиҳа ўқиган бўлади.

Мен барча катта-кичик раҳбарлар мана шу ҳақиқат-ни, мана шу огоҳлантириш-ни ҳеч қачон эсидан чиқар-маслигини сўрайдим.

Ишончим комилки, ишнинг негизини биладиган, тадбир-корлик ва изланувчанлик хусусиятларини доимо намо-ён этиб келаётган Андижон аҳли янги раҳбар атрофида бирлашиб, бугун замоннинг ўзи олдимизга қўётган вазифаларни ҳал этиш, вилоят шухратини янада ошириш учун сидқидилдан меҳнат қилади.

Ана шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман,

● ФУТБОЛ. ЧЕМПИОНАТ УЗБЕКИСТАНА. ВЫСШАЯ ЛИГА.

ПО ПРОТОРЕННОЙ ДОРОЖКЕ

10-й тур: «Согдиана» — «Насаф» — 1:4, «Самарканд» — «Навбахор» — 0:3, «Бухара» — «Трактор» — 3:1, «Металлург» — «Кызылкум» — 1:1, «Машгала» — «Сурхан» — 1:0, «Пахтакор» — «Локомотив» — 2:0.
Матч «Нефтчи» — «Андижан» перенесен на 9 июня.

Даже бегло брошенного взгляда на результаты матчей, завершившегося очередного тура вполне достаточно для того, чтобы понять: ждать кардинальных изменений, интригующих ситуаций в нашем чемпионате вряд ли уже придется. И хотя футбол принято считать игрой непредсказуемой, исход поединков с участием команд высшей лиги вполне можно заранее прогнозировать с предельной точностью. Поводом для этого служит четкое разграничение на заведомо слабых и сильных. Вот и сейчас фавориты без особых проблем одержали свои очередные победы и тем самым еще более увеличили разрыв от основной группы участников чемпионата.

«Пахтакор» на своем поле принимал железнодорожников. На отдельных отрезках подопечные Андрея Микляева достойно противостояли чемпиону, однако опыт, как известно, берет свое. Несколько грамотных комбинаций пахтакоровцев внесли сумятицу в защитные порядки «Локомотива», что и привело к двум забитым голам, а это в свою очередь позволило «Пахтакору» набрать очередные три очка и по-прежнему занимать первую строчку.

Ни на шаг не желает отступать от лидера «Навбахор», третью игру подряд заканчивая с сухим счетом. На сей раз он оставил вне прикосновенности свои ворота в игре с «Самаркандом», который в свою очередь трижды был вынужден начинать с центра поля. Без особого труда довел до победы матч с «Согдианой» и «Насаф», сумевший подняться на третье место, правда, этому способствовало то, что в этом туре не играл «Нефтчи», которому предстояла встреча с командой «Аль-Араби» в Лиге чемпионов.

А вот столичный «Трактор» продолжает разочаровывать своих поклонников. Сумевший в одно время провести несколько подающих надежд матчей, он вновь терпит поражение за поражением. В этом туре он оказался «битым» в Бухаре. Вряд ли можно считать удачным и выступление «Машгала». Да, он переиграл «Сурхан» — 1:0, но от этого его турнирное положение существенно не изменилось, впрочем, как и остальных аутсайдеров, которые оказались в крайне затруднительном положении.

Следующий тур состоится 3 июня.

Я. КОРУКА.

ПОЛОЖЕНИЕ КОМАНД ПОСЛЕ 10-го ТУРА:

	И	В	Н	П	М	О
1. «Пахтакор»	9	8	1	0	23-1	25
2. «Навбахор»	10	8	1	1	25-3	25
3. «Насаф»	10	7	1	2	21-8	22
4. «Нефтчи»	8	7	0	1	20-5	21
5. «Локомотив»	10	3	4	3	9-7	13
6. «Сурхан»	10	4	1	5	12-16	13
7. «Бухара»	10	4	1	5	9-19	13
8. «Кызылкум»	10	3	3	4	13-17	12
9. «Машгала»	10	3	2	5	12-13	11
10. «Металлург»	10	3	2	5	7-17	11
11. «Трактор»	10	3	0	7	10-23	9
12. «Андижан»	9	2	1	6	8-19	7
13. «Согдиана»	10	2	1	7	5-19	7
14. «Самарканд»	10	2	0	8	7-21	6

ОБЪЯВЛЕНИЯ

КУПЛЮ

● Холод., шв. маш., ТВ, в/маг., газ. пл., БК, велосип., ст. маш. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

● Дорого! Нагрудные значки, марки, монеты, открытки. Т.: 68-49-19.

● Дорого старину: часы, бронзовые и серебряные изделия, мебель. Т.: 68-49-19.

РАЗНОЕ

● Вкладыш N 245078 от 30.07.2002 г. на бесплатный проезд в городском пассажирском транспорте считать недействительным.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 25 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий туловлар учун хорижий валюталарнинг сумга нисбатан қиймати қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари 1012,26
1 евро 1211,17

Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмага.


ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 60.

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 3. Букет. 8. Бианки. 9. Рапсод. 10. «Анота». 13. Коридор. 16. Аргмак. 19. Ньюанс. 20. Лежак. 21. Покер. 22. Океан. 24. Конфета. 27. Распи-ва. 33. Нутро. 34. Кимоно. 35. Распри. 36. Казак.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Нилло. 3. Биатлон. 4. Ключа. 5. Траверс. 7. Монета. 13. Кулак. 14. Рожон. 15. Рюмка. 16. Анчар. 17. Макси. 18. Кирза. 22. Оттенок. 23. Насморк. 25. Онанис. 29. Венера. 30. «Матиз».

ПО ДУГАМ: 2. Анналы. 6. Спикер. 11. Типи. 12. Вира. 26. Филе. 28. Шлем. 31. Парос. 32. Анфиса.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. Огнестрельное оружие. 8. Часть воздушной оболочки Земли, где мало воздуха и много электричества. 9. Ее возраст превышает период полураспада самого устойчивого изотопа теллура. 10. Предмет посуды. 11. Широкая аллея на городской улице. 12. Горсть-головорез. 13. Дополнительный текст, помещаемый в самом низу страницы. 16. Спортсмен-бегун. 18. Низкорослая лошадь. 19. Лаз (син.). 22. Боеприпас. 24. Смирный человек (разг.). 28. Часть и дерева, и шахты от поверхности до дна. 29. Что такое «мангал»? 30. Благонная смола, употребляемая и в медицине, и в парфюмерии. 31. Аристократическая зарплата. 32. Клавирница. 33. Клавирный музыкальный инструмент.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 2. Род виноградно-вино с настоя-

ми из трав. 3. Земледелец-феодал, зависящий от сюзерена и обязанный ему различными повинностями. 4. Подмосковный город. 5. Точильный камень в виде бруска. 6. Войска, высаженные на вражескую территорию. 7. Длинное крытое помещение. 14. Худший из правителей. 15. Стихотворение Пушкина. 16. Человек, шагающий по семестрам сквозь жизнь науки к науке жизни. 17. Шахматист, международный гроссмейстер, автор книг по теории шахмат. 20. Предшественник ланча. 21. «Перерыв» в театре. 23. Первая российская кинозвезда, созданная по голливудским меркам. 25. Город-порт в Украине. 26. Дерево в жарких странах. 27. Темно-синее красящее вещество, добываемое из сока тропического растения.

Составила З. ИСАКОВА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН. На этой неделе удача будет благосклонна к Овнам, многие дела благополучно завершатся в вашу пользу. Не избегайте общения, так как любые контакты благоприятны. Неделя слегка озадачит вас бедотней по неотложным делам и поездкам по городу и за его пределами. Не следует показывать окружающим степень своей уязвимости.

ТЕЛЕЦ. На этой неделе вы соберетесь с силами и то, что на прошлой неделе вам казалось трудноразрешимым, удастся завершить, причем результаты превзойдут все ваши ожидания. Вам будет нравиться то, что будете делать, появится много возможностей преуспеть на работе. Проявляйте больше чуткости к окружающим людям.

БЛИЗНЕЦЫ. Наступающая неделя более благоприятна для людей, занимающихся научной и учебной деятельностью. Возрастает вероятность заключения сделок или выполнения работ, которые выйдут за рамки ваших интересов и могут заставить вас от чего-то отказаться. Неделя насыщена контактами и встречами с друзьями и коллегами по работе.

РАК. Наступает благоприятное время для повышения вашего профессионального уровня, для овладения новыми навыками и понимания специфики новой работы. Не пропустите важную информацию, она позволит изменить к лучшему уже имеющиеся у вас перспективы. Благоприятно начинать любые дела, особенно совместно с кем-то.

ЛЕВ. На этой неделе на первый план выйдет работа — возможно множество важных дел и неожиданных заданий, от вас потребуется масса усилий, чтобы справиться с ними. Ваша способность адекватно оценивать ситуацию может значительно снизиться, поэтому будьте внимательны и даже подозрительны.

ДЕВА. Неделя благоприятна для работы в коллективе, в творческом взаимодействии с группой коллег. Вероятно, это не лучшее время для генерирования идей, зато есть все возможности успешно разрабатывать и внедрять в практику уже найденные решения. Вы можете взять на себя руководство и координацию какой-либо сложной программы. Ста-

райтесь быть лояльнее к своим партнерам.

ВЕСЫ. На этой неделе в партнерских отношениях наметятся изменения в лучшую сторону, вы будете много разговаривать на интересные темы, возможны деловые поездки совместно с партнерами. Нежелательно принимать участие в каких бы то ни было сомнительных предприятиях и доверять незнакомым людям.

СКОРПИОН. Первые два дня недели благоприятны для дальних поездок, путешествий. Постарайтесь избежать тесного контакта с начальством, официальными лицами, людьми старшего возраста и вообще с любыми структурами власти, как государственной, так и вашей собственной — домашней. Вам потребуется достаточно много свободного времени, чтобы уладить внезапно возникшую проблему.

СТРЕЛЕЦ. Наступающая неделя — благоприятный период для внутренней работы и самосовершенствования. Умножаются контакты с окружающими, могут завязаться новые знакомства, всплыть старые связи. Общественная деятельность может принести

вам удовольствие, попробуйте реализовать давно намеченные планы. Не спешите принимать серьезные решения.

КОЗЕРОГ. В жизни наступают такие моменты, когда необходимо остановиться хотя бы ненадолго и подумать. Неделя будет благоприятна для самоанализа и осмысления собственного опыта. Будьте внимательны и осторожны по отношению к близким людям.

ВОДОЛЕЙ. На этой неделе желательны выполнить все первоначальные дела заранее. В деятельном порыве вы сможете успешно завершить многочисленные накопившиеся дела. От вашего выбора в приоритетах будут зависеть события в ближайшем будущем.

РЫБЫ. Эта неделя может принести вам много интересных возможностей. Иллюзии могут исказить ваше восприятие отношений с окружающим миром, поэтому вы можете быть недовольны собой, своим партнером и вообще личной жизнью. Не позволяйте им взять верх над вами. У вас появится возможность улучшить и поднять на новый уровень все старые, может быть, запущенные дела.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмухаммад
АБДУКАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба
қўлағи чиқади.
АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.
Тахририят манзили: 700031, Тошкент
шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун
реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.
Газета Узбекистон Матбуот ва ахборот агентли-
гида 032 рақами билан рўйхатга олинган.
«Ватанпарвар» газетаси босмаҳонасида чоп
этилади.

Буюртма № 0188.